

## МАМАШАРИФ ФАЁЗОВ: ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ФИДОЙИЛИК ВА ЖАСОРАТ ҚАҲРАМОНИ

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи

илмий ҳодими: **М. Муҳаммадийв**

Иккинчи жаҳон уруши – бутун дунё учун қонли ва оғир синовлар даври эди.

Бу урушда ҳар бир жасур йигит ва фидоий ўз ҳаётини таҳдид остига қўйиб, Ватанини ҳимоя қилди.

Мамашариф (Михаил) Фаёзов – айнан шундай қаҳрамонлардан бири. Унинг исми фронтда кўрсатган жасорати, тезкорлиги ва жасурлиги билан боғлиқ кўплаб воқеалар билан ёдда қолади.

Днепрдан Одер дарёсигача бўлган фронт йўлида Фаёзов фақат ўзини эмас, балки курсантлари ва жангдошларини ҳам қутқарди.

Ҳар бир қадам, ҳар бир қарор – бу қонли, мураккаб ва хавф-хатарли жанглар давридаги ҳақиқий фидоийлик намунаси.

Унинг ҳикояси – жасорат, садоқат ва юксак инсон қадриятлари ҳақидаги жонли ва таъсирли саҳифа.

### Одер Қаҳрамони

Мамашариф (Михаил) Фаёзов 1925 йил 15 июлда Авлиё ота (Козогистоннинг ҳозирги Тароз шаҳрида) туғилган. У саккиз йиллик

мактабни битириб, 1942 йилда Тошкентдаги ҳарбий мактабда ўқиди. 1943 йил август ойида мактабни тамомлаб, шу ойда курсантлар бригадаси билан фронтга жўнади.

Курсантлар бригадаси 2 – Украина frontiдаги 7 – механизатсиялашган бригадаси ихтиёрига келди. Корпус уша пайтда Полтаванинг Кобиляки районида

турарди. Корпус жангчилари худди ана шу ердан жанглар билан Днепр дарёсини кечиб ўтиб, Мишури Рочи қишлоғига келиб тўхтади.

1943 йилнинг ёгинли октябрь ойи. Жангчилар мустаҳкам плацдармни эгаллаб турарди. Мамашариф Фаёзов командирлик қилган танкка қарши отувчи расчёт энг олдинги маррада, тош йўлнинг ёқасида пистирмада турарди. Бирдан душманнинг икки бронетранспортёри ва бир танки жангчилар эгаллаган плацдарм томон пулемётлардан ўт очиб, кела бошлади. Икки ўртада қаттиқ отишма бошланиб кетди. П.Т.Р. расчётдагилар Фаёзовни командаси билан танк ва бронетранспортёрга карата мўлжал билан ўт очдилар, отилган ўқлар бронли машиналарни тешиб ўтиб, ёндириб ташлади. Машина экипажидаги тўрт офитсер ва саккиз солдат асир олинди. Мана шу жанг вақтида Фаёзов чап қўлидан ярадор бўлди, расчётдаги жангчи Кемеш Ўразбаев ҳалок бўлди. Фаёзов госпиталда уч ой ётиб, даволаниб чиққандан сўнг қумондонлик уни офитсерлар тайёрлаш курсига ўқишга юборди.

Курсда турт ой ўқиб, младший лейтенант унвонини олди. У яна фронтга келиб, взвод командири бўлиб жангга киришди. Проскуров шаҳри атрофида бўлган қонли жанглар вақтида Фаязов ўнг сонидан яна ярадор бўлиб қолди. Эвак госпиталида икки ой даволаниб чиққандан сўнг, яна ўз қисмига қайтиб келди.

Тошкентлик жасур йигит капитан Хидиров командирлик қилган ўқчи полкка рота командири бўлиб келди. Қисм Одер дарёси томон ўрмон ичидан бораётганда батальон жангчилари ўрмончининг уйида овқатланиб туришганда бирдан уч томондан кучли ўт очилди. Маълум бўлишича шу ўрмонда гитлерчиларнинг катта омбори бўлиб, уни кўпгина солдатлар қўриқлар ва ўт улар томонидан очилаётган экан. Батальон командири ҳамма роталарни жангга солди. Масофа яқин бўлгани учун икки ўртада найзабозлик жангги бошланиб кетди. Совет жангчилари қўл санъатини кўрсатиб, гитлерчиларни найза санчиш учун югуриб бораётганда лейтенант Фаёзов чаққонлик билан унинг орқасидан бориб, бўйнига ёпишди ва ўнг кулоғини тишлаб, шартта узиб ташлади, фашист газанда тирик қўлга олиниб, штабга топширилди.

Жангчиларимиз ўрмон оралаб ҳамон олдинга қараб бормокда эдилар. Йўлда бир солдат сув ичиш учун ўрмончининг уйига кириши билан ўқ овози эшитилди, у ярадор бўлиб чиқди. 2 – рота командири кирган эди, у ҳам ярадор бўлди, учинчи бўлиб батальон парторги Тожибоев кирган эди, у ҳам чап қўлидан ярадор бўлди. Батальон уйни уради. Тўп отиб уйни вайрон қилиб ташлади, ҳеч ким турмайдиган бу ёғоч уйда немисларнинг пистирмаси бўлиб, 22 солдат ва 4 офитсер яшириниб ётган экан. Уларнинг ҳаммаси йўқ қилинди.

1945 йилнинг январь оyi. Одер дарёсига етиш учун 12 километр қолган эди. Қисм жангчилари қош қорайганда дарё бўйига етиб келдилар. Дивизия командири генерал – майор Русаков ҳамма командирларни тўплаб, Мамашариф Фаёзов командирлик қилган биринчи ротага Одердан сузиб ўтиб, плацдарм эгаллаш тўғрисида буйруқ берди. Ротада ҳаммаси бўлиб 86 жангчи бор эди. Ротанинг дарёдан хавф – хатарсиз ўтиб олиши учун бир взвод автоматчи, бир станокли пулемёт, артиллерия ва миномётлар ўт очиб туриши ҳақида ҳам буйруқ берилди. Худди шундай қилинди. Рота нариги соҳилга эсон омон ўтиб олгандан сўнг бошқа бўлинмалар ҳам Днепр, Висла дарёларидан қандай ўтган бўлсалар Одердан ҳам эшик, тахта, бочка, ёғоч тўплаб кечаси соат тўртларда дарёдан ўта бошлади. Совет солдатларининг дарёдан ўтаётганини сезиб қолган гитлерчилар ҳамма қуроллардан ўт очиб юборди. Жангчиларимиз соҳил бўйига чиқиш биланоқ “ура!” қичқириклар остида гитлерчиларни устига ташландилар, шиддат билан қилинган ҳужум натижасида душман штаби қўлга туширилди. Бир фашист генерали 5 -6 офитсер билан машинага ўтириб қочаётган эди, жангчиларимиз граната улоқтириб қочаётган эди, жангчиларимиз граната улоқтириб ҳаммасини ер тишлатиб қўйди.

Қисм жангчилари Одердан кейин бир, икки қишлоқни эгаллаб, учинчи қишлоқ бўсағасида мудофаага ўтди. Дивизия командири, лейтенант Мамашариф Фаёзов командирлик қилган ротага, жангларда кўрсатган маҳорати учун икки кун дам олишга буйруқ берди. Фронт газетасида Одер қаҳрамонлари тўғрисида жанговар лавҳалар босилиб, Фаёзов ротасининг жанговар фаолияти батафсил баён этилди.

Гитлерчи газандалар учинчи қишлоқни мустаҳкам мудофаасига айлантириб, орқада қолган – қутган солдатларини келтириб, бизнинг позицияларимизга тинмай ўт очиб турарди. Душман қутириб ҳужумга ўтди. Икки ўртада қонли жанг бошланиб кетди. Мана шу жанглар вақтида батальон командири Хидиров ҳам, рота командири Фаёзов ҳам кўзидан ярадор бўлди.

Жангнинг иккинчи куни дивизия ҳужумга ўтиб, душманни қувиб кетди.

Кўзидан ярадор Фаёзов аввал Бокуда, сўнгра Тошкентдаги госпиталларда ётиб даволанди.

Одер оператсиясида кўрсатган ботирликлари учун Фаёзов командирлик қилган рота жангчиларидан Верхбиков, Кисилёв, Волков, Курушбоев, Мороз ва гвардиячи лейтенант, Қизил байроқли 58 – гвардиячи Красноградск ўқчи дивизияси, 175 – гвардиячи Висленск ўқчи полк ротасининг командири Мамашариф Фаёзовга СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 27 – июндаги Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Урушдан кейинги йилларда Мамашариф Фаёзов ота онасининг қишлоғи Чустга келди. У аввал шаҳар ҳарбий комиссарлигида 4 – бўлим бошлиғи, болалар уйи директори, мактаб – интернат директори, халқ контроли раиси, Чуст шаҳар ижроия комитети секретари лавозимларида фаолият юритган.

Қаҳрамон отанинг фарзандлари Гулчеҳра, Зухра, Гулсара, Азамат, Гулнора, Адҳам, Гулмира, Зулфиялар азиз ва меҳрибон оталарининг жанговар анъаналарига содиқ бўлиб яшадилар.

### **Фойдаланилган адабиёт**

1. Давронов, М. Иккинчи жаҳон уруши фронтлари тарихидан. Тошкент: Ўзбекистон Миллий нашри, 2005.
2. Абдурахимов, Ш. Совет қаҳрамонлари ва уларнинг фронтдаги хизматлари. Тошкент: Ўзбекистон фан нашриёти, 2010.